



SOCIO-POLITICAL ANALYSIS OF THE POLITICAL CULTURE SYSTEM

Abdulrashid Anvarov

independent researcher

*National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

E-mail: abdurashid.anvarov@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: youth political culture, political tradition, political consciousness, interest, modernization of society, democracy, political system, globalization.

Received: 27.11.24

Accepted: 29.11.24

Published: 01.12.24

Abstract: This article deals with the specific functions of political consciousness and political culture, their development, components of political culture, the influence of globalization processes on political culture, features of people's political culture, the influence of the media, the Internet and social networks on political culture. of the people of the country, the role of political culture. It has been determined that special attention to the development of political culture in the minds of modern youth is the foundation of the future of the country.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАХЛИЛИ

Абдулрашид Анваров

мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: abdurashid.anvarov@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ёшлир сиёсий маданияти, сиёсий анъана, сиёсий онг, манфаат, жамиятни модернизациялаш, демократия, сиёсий тизим, глобаллашув.

Аннотация: Мазкур мақола сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўзига хос функциялари, уларнинг ривожланиши, сиёсий маданиятнинг таркибий қисмлари, глабаллашув жараенларининг сиёсий маданиятга, хусусан ешлар сиёсий маданиятига таъсирида ОАВ, интернет ва ижтимой тармоқларнинг мамлакат еўларига таъсири шу билан бирга фуқаролар, миллатлар, халқлар ва давлатлар ўртасида сиёсий барқарорликни

таъминлашда сиёсий маданиятнинг тутган ўрни очиб берилган. Сиёсий маданиятнинг бугунги ёшлар онгидаги ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши мамлакат келажагини пойдевори эканлиги таърифланган.

СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СИСТЕМЫ ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ

Абдулрашид Анваров

независимый исследователь

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: abdurashid.anvarov@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: молодежная политическая культура, политическая традиция, политическое сознание, интерес, модернизация общества, демократия, политическая система, глобализация.

Аннотация: В данной статье речь идет о конкретных функциях политического сознания и политической культуры, их развитии, компонентах политической культуры, влиянии процессов глобализации на политическую культуру, особенности политической культуры людей, влиянии СМИ, Интернета и социальных сетей на политическую культуру народа страны раскрывается роль политической культуры в обеспечении стабильности. Определено, что особое внимание к развитию политической культуры в сознании современной молодежи является фундаментом будущего страны.

Сиёсий маданият тизими деганда давлат ҳокимияти ва фуқаролар сиёсий муносабатларида амал қиласиган элементлар яхлитлиги тушунилади. Бу тизимга сиёсий онг, сиёсий тафаккур, сиёсий мафкура сиёсий ахлоқ, сиёсий тарихий тажриба, сиёсий иммунитет, сиёсий қадриятлар киради. Буларнинг ҳар бири сиёсий маданиятнинг мустақил элементи сифатида ўзига хос тарзда шаклланади ва тегишли вазифаларни бажаради.

Шу ўринда сиёсий маданиятнинг функцияларига алоҳида тўхталишга тўғри келади. Ушбу функцияларни билиш унинг сиёсий онг билан муносабатларини аниқлаш, хусусан, давлат ва жамият ҳаётини тўлақонли қуришда катта фойда беради, деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, сиёсий онг ва сиёсий маданиятнинг ўзига хос функциялари мавжуд бўлиб, уларнинг ривожланиши, тобора такомиллашуви фуқаролар, миллатлар, халқлар ва давлатлардаги сиёсий барқарорликни таъминлашга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Уларни бугунги ёшлар онгидаги ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши мамлакатимиз келажагини таъминлайди.

Сиёсий онгнинг мураккаб тушунча эканлигини унинг функцияларидан ҳам билиб олиш мумкин. Булар қуидагилар: сиёсий онгнинг билиш, сиёсий онгнинг сиёсий жараёнларни юзага келтириш, сиёсий онгнинг манфаатларни мувозанатга келтириш, сиёсий онгнинг демократик қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш, сиёсий онгнинг йўналтирувчанлик функциялари ва ҳоказо. Масалан, охирги функциясига келсак, фуқароларнинг давлат ҳокимияти фаолиятини билиш ва унда иштирок қилишга мойилликни уйғотиш; фуқароларнинг амалдаги сиёсатга нисбатан ўзларининг мустақил позицияларини шакллантиришнинг аҳамияти шундаки, у давлат ҳокимиятининг ўз сиёсий фаолияти устидан, ўз назоратини олиб боришига, унинг фуқаролар билан ҳамкорлик қилишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Сиёсий онгнинг ушбу вазифаси давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлайди ҳамда сиёсий бошқарувнинг самарали ишлашига ижобий таъсир ўтказади. Шу маънода сиёсий онгнинг ривожланишини мамлакат ва унинг фуқаролари манфаатларига йўналтира билиш сиёсий жараёнлардаги негиз вазифа саналади. У давлат фаолияти, бошқа сиёсий институтлар ва ташкилотларнинг фаолиятларида амал қилиши барқарор тараққиётнинг кафолати ҳисобланади.

Сиёсий тафаккур инсонларнинг давлат ҳокимияти ҳақидаги билимлари ва уларнинг реал кўринишларида намоён бўлади. У сиёсий онгнинг шакли бўлиб, сиёсий назариялар ва қарашларни ўзида акс эттирувчи билимлардан иборат бўлган тушунчадир.

Сиёсий мафкура фақат сиёсий ғоялар ва қарашлар билан чекланмайди, улар билан бир қаторда сиёсий мақсадларни амалга оширишда муҳим восита (механизм) ва фаолият шакли вазифасини ўтайди.

Сиёсий тарихий тажриба деганда давлат ҳокимиятини шакллантириш, уни бошқариш ва барқарор ишлашини таъминлаш, фуқаролар билан улар ўртасидаги муносабатларда барқарор мувозанатга эришиш борасидаги йиллар давомидаги тўпланган фаолият тушунилади.

Сиёсий хулқ-автор сиёсий жараёнларда иштирок қилувчи субъектларнинг маънавий-ахлоқий даражаларининг ҳолатини ифода эттирувчи тушунча.

Сиёсий кайфият сиёсий жараёнларнинг қайси томонга ўзгаришига қараб ўзгариб туради. Шунингдек, у сиёсий жараёнларнинг ижобий ёки салбий томонга ривожланиб кетишига ҳам ўзининг таъсирини ўтказади.

Сиёсий иммунитет фуқаролар онги ва дунёқарашида ташқаридан кириб келадиган ва мамлакат ичкарисида юзага келиши мумкин бўлган, унинг хавфсизлигига таҳдид солувчи сиёсий кучлар, ёвуз ва бузғунчи сиёсий оқимларга ҳамда уларнинг ғояларига қарши тураладиган сиёсий-руҳий салоҳиятдир.

Сиёсий қадриятлар сиёсий фаолият билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва уни такомиллашуvida фойдаланилади. У сиёсий тарихий тажрибага яқин.

Демак, сиёсий маданият тизими ўзига давлат ҳокимияти ва фуқароларининг сиёсий фаолияти билан боғлиқ бўлган юкоридаги элементларни бирлаштирган ҳолда намоён бўлади. Сиёсий маданиятнинг мазкур элементлари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланади ва такомиллашиб боради. Улардан қайси бир элементи тўлақонли ишламаса, сиёсий маданият ҳам тўлақонли ривожлана олмайди. Шунинг билан бирга бу ҳолат жамият ҳаётида сиёсий бекарорликнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Олимларнинг таъкидлашича, сиёсий маданият қуидаги таркибий қисмларни қамраб олади:

сиёсий институтлар, шу жумладан давлатнинг ҳақиқий сиёсий тизими, қонун чиқарувчи, ижро етuvчи ва суд ҳокимиятлари, сиёсий партиялар ва манфаатлар гурӯҳлари, сиёсий қарорлар қабул қилиш тартиблари, фуқаролик жамиятининг сиёсий ўзини ўзи ташкил этиш;

сиёсий хулқ-атвор, шу жумладан сиёсий иштирок шакллари, профессионал сиёсий арбоб-янгиликлар, анъаналар, хуқуқни қўллаш амалиёти, низоларни ҳал қилиш;

сиёсий онг, сиёсий ғоялар, билимлар, эътиқодлар, ғоялар, фикрлар мажмуи.

Ушбу қисмларнинг функциялари ва моҳияти ҳақида юқорида алоҳида сўз юритилди. Ҳозирги замон сиёсатшунослик фанининг кўпчилик назариётчилари сиёсий маданиятнинг учта даражаси борлиги ҳақидаги фикрни ёқлайдилар. Булар: а) дунёқарааш даражаси; б) фуқаролик даражаси; в) сиёсий даража. Қуйида ушбу даражаларнинг ҳар бири тўғрисида тўхталиб ўтамиш:

1. *Дунёқарааш даражаси*. Мазкур даражада шахс томонидан сиёсат дунёсида ўз ўрнини аниқлаб олиш, у ёки бу йўналишдаги сиёсий мўлжалларни ва сиёсий хулқ-атвор нормаларини аниқлаб олиш ҳолати юз беради. Мазкур даража ўзидан кейингилари учун асос бўлиб хизмат қиласи.

2. *Фуқаролик даражаси*. Бунда сиёсий маданиятнинг асосий ўзаги шаклланади. Ушбу даража одамларнинг сиёсий ҳокимиятга муносабатини белгилаб беради. Инсон сиёсат дунёси билан дуч келиб, муқаррар равишда унга, жамият сиёсий тизимига нисбатан, сиёсий ҳокимият имкониятлари ва ваколатларига нисбатан ўз муносабатларини шакллантиради. Сиёсий ҳокимиятнинг ўрни, ролини англаш натижасида, ўзининг фуқаролик бурчлари ва мажбуриятларини ички туйғуси билан ҳис қиласи.

3. *Сиёсий даражаси*. Ушбу даражага келганда, инсоннинг сиёсат ҳодисасига муносабатлари шаклланган қадрият даражасига ета бошлайди. Инсон ўзини сиёсатнинг субъекти сифатида қабул қила бошлайди. Бу даражада инсон ва сиёсат ўртасидаги ўзаро

алоқадорликнинг барча жиҳатлари ойдинлашади. Инсон ҳаётида сиёсатнинг ўрни аниқ тасаввур қилинган бўлади. Одамларнинг сиёсий қадриятлардан келиб чиқувчи мўлжаллари уларнинг сиёсий хулқ-атворларида бевосита акс этади.

Сиёсий маданият ҳодисасини тушунишда унинг типологияси ҳам муҳим ахамият касб этади. Зотан, у ўз мазмунига кўра, эмпирик сиёсий маданиятларни ажратишга кўмаклашади ва муайян идеал, мукаммал моделга нисбатан уларнинг ҳолатини аниқлайди. Сиёсий маданиятни турли асосларга кўра типларга ажратиш мумкин. Г. Альмонд ва С. Верба “Фуқаролар маданияти” китобида таклиф этган типология классик типология, деб эътироф этилган. Улар бир қатор мамлакатларнинг сиёсий тизимларини таҳлилдан ўтказиб ва таққослаб, сиёсий маданиятнинг учта “соф” типини ажратиб кўрсатганлар.

1. *Парохиал сиёсий маданият (parochial culture)* баъзан анъанавий, патриархал деб аталади). Сиёсий маданиятнинг бу типи аҳолининг сиёсий тизимдан буткул узилиб қолганлиги, у ҳақда ҳеч қандай билимга эга эмаслиги билан ажралиб туради. Бундай жамиятларда ихтисослашган сиёсий роллар мавжуд эмас, асосий “акторлар” (доҳийлар, шомонлар ва бошқалар) ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам диний функцияларни бажарадилар. Бундан ташқари, аҳолининг сиёсий, иқтисодий ва диний йўналишлари табақалаштирилмайди. Худудий ва ижтимоий-маданий айнанлаштириш устунлик қиласи: шахс ўзини, авваламбор, маҳаллий жамоа (қавм, қишлоқ ва шу кабилар)нинг бир қисми деб билади. Патриархал маданият соҳиблари сиёсий тизимдан ҳеч нарса кутмайди.

2. *Табаалик сиёсий маданияти (subject culture)*. Сиёсий маданиятнинг мазкур типига пассив сиёсий хулқ-атвор, ҳукмрон расмий қадриятлар ва нормаларга таяниш, бу қадриятларни мустақил тушуниб етишга интилишнинг йўқлиги хосдир. Умуман олганда, одамларда сиёсий тизимга нисбатан ўзига хос боқимандалик — патерналистик муносабат устунлик қиласи: жамият аъзолари сиёсий тизимдан неъматлар кутади ё жазодан қўрқади. Сиёсий маданиятнинг бундай типига сиёсий тизимга кириш йўллари аниқ ажратилмаган, индивидлар эса ўзига сиёсий акторлар, деб қарамайдиган жамиятларда дуч келиш мумкин.

3. *Иштирокчилик сиёсий маданияти (participant culture)* - фаол сиёсий маданиятдир. Сиёсий маданиятнинг бу типига сиёсий ҳаётда индивидларнинг фаол иштирок этиши хосдир. Ушбу иштирокчилик фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан саводлилиги ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига ўз иштироки билан таъсир кўрсата олишига бўлган ишончига асосланади. Бундай жамиятлар юксак даражада функционал табақалашганлиги билан ажралиб туради: жамият ҳаётининг турли соҳалари нисбатан эркин, кичик тизимлар (шу жумладан, сиёсий кичик тизим) эса анча ривожланган ва кенг тармоқ отган бўлади.

Бизнингча, сиёсий маданиятнинг учинчи типига мос ҳаётга етиб олиш жамият аъзоларидан катта ақл ва меҳнатни талаб қиласи. Айниқса, бу борада таълим тизимиға

улкан масъулият тушишини тасаввур қилиш қийин эмас. Аслида, ушбу масалага яхши ечим топса бўлади. Аммо 2000 йиллардан кейин шиддатли глобаллашув жараёни жамият ва инсонлар ҳаётининг барча жабҳаларига кучли таъсир ўтказаётганини назардан қочириб бўлмайди. Ҳатто, у иқтисод, сиёsat, маънавият соҳасигагина эмас, балки ёшларнинг сиёсий маданиятига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Шу ўринда, глобаллашув билан сиёсий маданият ўртасида қандай муносабатлар бўлиши мумкин, деган савол келиб чиқади. Бу саволга жавобни глобаллашувнинг кенг қамровли эканлиги, унинг нафақат иқтисодий маънавий-маърифий, фан-техник ва технологик, шунингдек сиёсий ҳаётга ҳам ўзининг таъсирини ўтказа олиши имкониятларидан излаш тўғри бўлади. Ушбу таъсир даражаси илмий адабиётларда етарли даражада таҳлил этилмаган, аммо уни ўрганишга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Хусусан, буни тараққий этган мамлакатларнинг ёш давлатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, инвестиция, замонавий техника ва технологияларни олиб кириш баҳонасида уларнинг суверенитетига хавф солаётган ҳолатларида кўриш мумкин.

Глобаллашув жараёни сиёсий мақсадларни амалга оширишнинг омилига ҳам айланиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан ундан фойдаланишда сиёсий маданият омилига бориб тақалади. Айни пайтда, ривожланган давлатлар таъсирига тушиб қолаётган МДҲ мамлакатларида сиёсий хушёрлик ва сиёсий маданиятнинг етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатади. Чунки, улар ташқаридан киритилаётган турли “ёрдамлар” дастлабки пайтда ривожланиш учун зарур эканлигини билган холда, кейинчалик у мамлакат ва уларда яшаётган халқлар ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун қандай нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англашга ҳаракат қилмаяптилар.

Глобаллашув билан сиёсий маданиятнинг боғлиқлиги мамлакатлар ички ҳаётида ва турмуш тарзида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Глобаллашувнинг авж олиши натижасида мамлакатларга ғарbdan ёпирилиб кириб келаётган турли техника, технология, ОАВ, коммуникациялар ва бошқа воситалардан фойдаланишда ёшлар сиёсий маданиятининг етишмаслигида очиқ намоён бўлмоқда. Хусусан:

- а) мамлакат аҳолиси, айниқса ёшларнинг “сиёсий ўйинлар” таъсирига тушиб қолиши ва оқибатда улар измидан юришига;
- б) сиёсатга, юрт тақдири, бугуни ва истиқболи учун маъсулиятсизлигига;
- в) жараённинг ривожланиши мамлакат хавфсизлигига тўғридан-тўғри таҳдидга айланишига олиб келади.

Глобаллашувнинг қамрови кенгайиши ёшларнинг сиёсий хушёрлиги ва сиёсий маданиятини ривожлантириб бориш масаласини ўртага кўндаланг қўймоқда. Чунки, глобаллашув оддий жараён эмас, балки ўта мураккаб, унда нафақат иқтисодий, шу билан бирга, дунёда ўз хукмронлигини ўрнатишдек жирканч сиёсий мақсадлар ҳам ётибди.

Шуни таъкидлаш жоизки, глобаллашув шароитида фуқаролик жамияти институтлари билан ёшларнинг ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш алоҳида масала ҳисобланади. Умуман олганда, фуқаролик жамияти деганда, “давлатнинг тазиқисиз, конун доирасида вужудга келган муайян кишилик ҳамжамиятининг ихтиёрий ўзини ўзи уюштириш шакли” тушунилади. “Бу давлатга тўғридан-тўғри боғланмаган, аммо мамлакат доирасида фаолият кўрсатувчи ва хокимиятга таъсир этувчи мустақил жамоат, ноҳукумат ташкилотларининг мажмуидир». Яъни, фуқаролик жамияти давлат ва шахс ўртасида ўзига хос “воситачи”лик вазифасини бажаради.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Ўзбекистонда ҳозирда ўн мингга яқин ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ушбу институтлари шаклланиб бормоқда: 1) сиёсий партиялар; 2) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар; 3) демократик сайлов тизими; 4) жамоат бирлашмалари; 5) нодавлат нотижорат ташкилотлар; 6) оммавий ахборот воситалари; 7) оила хамда унинг манфаатларини акс эттирувчи маҳсус ташкилотлар; 8) таълим-тарбия муассасалари; 9) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; 10) диний ташкилотлар; 11) миллий-маданий марказлар; 12) жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари.

Гарбликлар шарқ мамлакатларида “демократия”ни жорий қилиш (Хитой бундан мустасно) баҳонасида аҳоли сиёсий онгининг етарли даражада ривожланмаганидан фойдаланиб, ёшларни сиёсий жараёнларга кенг жалб қилиш, сиёсий бекарорликни юзага келтириш, шу йўл билан ўша халқнинг ер ости заҳираларига эгалик қилиш каби жирканч мақсадларини устакорларча оширмоқдалар. Айниқса, улар етарли даражадаги сиёсий онг, сиёсий маданиятга ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларни бу жараёнларга жалб қилаётганилиги хатарли тус олмоқда. Мазкур воқеаларнинг юзага келиши жаҳон миқёсида глобаллашувнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда аҳолининг сиёсий маданиятини ривожлантиришни, уни сиёсий жараёнларни авж олдириб, ўзларининг жирканч мақсадларини амалга оширишни мақсад қилаётган кучларнинг жиловини тортиш омилига айлантириш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тульчинский Г. Политическая культура. Учебное пособие. - М.: Юрайт, 2015. - С. 20.
2. Одилқориев X., Ғойибназаров Ш. Сиёсий маданият. -Т.: 2004. - Б. 52-53.
3. Рукавишников В.О. Политические культуры и социальные изменения. Международные отношения. -М.: 1998. – С. 110.
4. Иминов Баходир-Карим. Манфаатлар – сиёсат ва мафкура. -Т.: Минҳож, 2002. -Б.13.
5. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004. –Б.238.
6. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: Ғафур Ғулом, 2009. –Б. 280.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – “Халқ сўзи”, 2020 йил 30 декабрь.